АБДУЛҚОДИР ЖИЛОНИЙ ВА ҚОДИРИЯ ТАРИҚАТИ АСОСЛАРИ

Б.М.Мухтаров

Мақола Ғавсул Аъзам Абдулқодир Жилоний (1077-1166) ҳаёти, илмий фаолияти ва унинг номи билан юзага келган Қодирия тариқати асосларини тадқиқ этишга бағишланган.

Калит сўзлар: *Қодирия, тасаввуф, тариқат, зикр, халқа, мурид, муршид,*

В статье освещена жизнь и научная деятельность Абдул Кадыра Джилани (1077-1166), известного как Гавсул Аъзам, исследованы его труды и принципы ордена Кадирия, носящего его имя.

Ключевые слова*: Суфизм, Кадирия, тарикат, зикр, халка, мурид, муршид,*

This article is deals to the life and scientific activity of Abdul KadirJiloniv (1077-1166) who well know as «Gavsul Azam», his scientific works and principles of the Kadiry order which carrying his name.

Key words: *Sufism, Kadiriy, Order (Tariqa), dhikr, circle (Round, Halaqa), mureed, murshid (shaykh),*

Марказий Осиё қадимдан илм-маърифат ва маданият бешиги бўлиб келган. Денгиз йўллари кашф этилмасидан олдин бу ҳудуд савдо ва маданиятлар алмашинувининг марказларидан бири бўлган. Ислом дини Марказий Осиёга кириб келганидан сўнг маҳаллий маданият билан ислом маданияти қоришуви юз берди. Ўлкада илм-фан янада ривож топди, ислом оммасига ва дунё халқларига устоз бўлган имом Бухорий, имом Термизий, Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Марғиноний, Фарғоний, Хоразмий ва бошқа қатор алломалар етишиб чиқди. Буни Юсуф Ҳама-

доний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳрор Валий каби мутасаввуфлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўлкага тахминан XV-XVI асрларда қодирия тариқати кириб келди. Бу тариқат Марказий Осиёда ўзининг ўрни ва нуфузига эга бўлди.

Сўфийлар имоми, «Авлиёлар султони» номи билан танилган тариқат асосчиси Абдулқодир Жилоний 1077 йили Жилонда туғилган. У ёшлигидан илм олишга қизиқади ва ўз замонасининг машҳур олимларидан фиқҳ, ҳадис, тасаввуф илмларини ўрганади. Ундан сўнг Абдулқодир Жилоний усул, фуруъ, тасаввуф, ахлоқ, илми ҳолга доир кўплаб асарлар ёзади ва минглаб шогирдларни тарбиялайди. Жилоний 1166 йилда Бағдодда вафот этган.

Абдулқодир Жилоний қодирия тариқатига оид муайян тартиб-қоидалар ишлаб чиққани ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Қодирия тариқатининг усуллари асосан унинг вафотидан сўнг XIII асрларга келиб шогирдлари томонидан тизимга солиниб, ёзма ҳолга келтирилган [4.65]. Лекин Жилоний асарлари тариқат таълимотининг асоси бўлиб хизмат қилди. Абдулқодир Жилоний ишлаб чиққан бир қатор қоидалар тасаввуфнинг ривожига ҳисса қўшган. Қодирия тариқати асосий ўн икки тариқат қаторига киритилади [5.104]. Қодирия мусулмон оламида энг кўп тарқалган тариқатлардан бири ҳисобланади.

XIII асрда қодирия тариқатининг фаолияти Бағдоддаги мадраса ва работлар доирасидагина бўлган (1134 йилда қурилган мадраса ва работ, кейинроқ Абдулқодир Жилонийнинг мақбараси олдида қурилган масжид). Тасаввуфшунос олим Ж.Тримингэмнинг қайд этишича, Абдулқодир Жилоний юқори мақомларга эришган бўлишига қарамай, унинг ҳаётлиги вақтида қодирия тариқати у қадар оммалашиб кетмаган. Унинг вафотидан сўнг ўғли Абдулваҳҳоб тариқат вакилларига устозлик қилган бўлса, ундан сўнг укаси Абдуссалом, кейин Абдурраззоқ тариқат пешвоси бўлган [3.33]. Бу тариқатнинг ғояси ва ақидаси «Аҳли сунна вал жамоа» эътиқоди асосида шаклланган. Худди нақшбандия тариқатида бош дастури амал: «Дил ба ёру даст ба кор» бўлганидек, қодирия тариқатида ҳам Шайх Абдулқодирнинг «Машғуллик ила форуғлик» (Ўзинг дунё ила машғул бўлган ҳолда, дилинг ундан фориғ бўлсин) фикри етакчи ғоя бўлган.

Қодирия тариқати таълимотига кўра: муршид (устоз) қалби пок ва нурли киши бўлмоғи керакки, ундан мурид (шогирд)ларнинг қалби ёришсин. Мурид ўз муршидидан илҳом, фаросат ва илм олмоғи лозим. Бунинг учун мурид муршидига қўл бериб байъат қилиши керак. Бу боғланиш робита деб аталиб, қалбдан қалбга йўл очувчи кўприк вазифасини ўтайди. Ундан сўнг мурид бирмунча фурсат чилла ўтириб, дунёдан кўнгил тортмоғи ва ундан сўнг дунёга ва унинг ишларига ружуъ (муккасидан кетиш) қўймасдан, ундан ўзига керак миқдордагина насибасини олиб, бошқаларни яхшиликка бошламоғи лозим. Бу тариқат муридларининг асосий ўгитларидан бири шундаки, дунё ва охират неъматлари Аллоҳ билан банда ўртасидаги бир парда сифатида қаралади. Мурид бутун борлиғи билан Аллоҳга боғланади [8.15]. Жилоний «Китоб ал-ғунйа ли толиби тариқи ал-Ҳақ» китобида: «Тариқатга янги кирган муридга вожиб бўлган вазифалар сифатида аввало тўғри эътиқод, яъни пайғамбарлар ва расуллар суннати аҳлидан бўлган салафи солиҳлар, саҳобий ва тобеъийлар, мазкур тариқат томонидан тан олинган валий ва сиддиқлар ақидасида бўлиши зарур, у Қуръон ва пайғамбар суннатига қатъий риоя этиши керак», - деб таъкидлайди [9. 601-611]. Унинг фикрига кўра, мурид шайхи (устози) томонидан ножўя ҳаракат содир этилганини билса, бу ҳақда шайхга мавзу билан боғлиқ бирор мисол келтириш орқали билдириши лозим бўлади. Чунки мурид очиқ айтиш билан шайхнинг кўнглини ранжитиши мумкин. Мурид шайхини ҳеч бир гуноҳ қилмайдиган маъсум инсон сифатида кўриб эътиқод қилмаслиги керак. Мурид шайхнинг суҳбатларидан ўзига маънавий озуқа олиши, ҳикмат излаши, ҳар қандай ҳолатда ҳам шайхдан узилмаслиги, айбни доим ўзидан қидириши, устозига нисбатан одобсиз хатти-ҳаракатларини ислоҳ қилиши, уни Аллоҳ билан ўзи орасида бир васила (боғланиш) ва восита, Унга (Аллоҳга) етишиш йўли ва сабаби сифатида кўриши керак [9.612].

Муршид ҳам ўз навбатида, муриднинг моли ва хизматидан манфаат изламаслиги, унга одоб бериш эвазига Аллоҳдан бирон нарса умид қилмаслиги, ҳеч нарса таъма қилмаслиги керак. Зеро, мурид танлов ва жалб қилишсиз ўзи келган, у Аллоҳнинг ҳадясидир. Муршид муриднинг сирларини сақлаши, унда шариатга хилоф бирор ҳаракатни пайқаса, ёлғиз ўзига насиҳат қилиши лозим [1.34].

Қодирия тариқатида зикр жаҳрий услубида ижро этилган ва у қуйидаги тартибда бажарилган: Авваламбор, ўн уч марта «Фотиҳа» сураси ўқилади. Кейин «Бақара» сурасининг бошидан «Улаика ҳумул муфлиҳун»гача бўлган қисми, «Оятул курси» ва «Оманар расулу» ўқилади ва уч марта «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил ва ниъмал мавла ва ниъман насир» дегач, уч дафъа «Иншироҳ»

ва «Ихлос» суралари, бир мартадан «Муаввизатайн» ва «Фотиҳа» суралари ўқилади. Саловат айтилади, кейин тик туриб, овоз чиқариб 166 мартадан калимаи тавҳид ва лафзаи жалол ўқилади, кейин уч марта «Фотиҳа», кейин «Инналлоҳа ва малаикатуҳу» ўқилиб, саловат келтирилади, охири шайх дуо қилади ва шу аснода зикр ниҳоясига етади [5.105]. Абдулқодир Жилоний зикр борасида шундай дейди: «Зикрлар ё жаҳрий (овоз чиқариб) ёки хафий (овоз чиқармай) қилинади. Зикр илк дафъа тилдан бўлади. Кейин нафсга, сўнгра қалбга, ундан руҳга ўтади. Кейин қалбдан ҳам ичкари сир оламига ўтади. Улар етти даражага бўлинади. Зикр бошлаётган киши мукаммал таҳоратли бўлиши ва зикр жумлаларини ифода этаётганда, қувват билан сўзламоғи лозим. Бу шаклдаги зикр нурлари зокирларнинг қалбидан ўрин олади» [8.81-83].

Қодирия тариқатида зикр асносида маърифатуллоҳга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун зикр чоғида «Исми Аъзам» дуолари ўқилади. Маърифатуллоҳ бу – «асмоул ҳусна» («Аллоҳнинг гўзал исмлари») орқали Яратганни англашдир. Маърифатуллоҳга зикр, жазба ва ишқуллоҳ орқали эришилади. Қодирияда зикр амалиёти ўтирган, тик турган, айланган ҳолда ижро этилади. Ўтирган ҳолда бажариладиган зикр тури «қуъудий зикр», оёқда туриб амалга ошириладигани «қуъумий зикр»дир. Жаҳрий зикр намоз ўқиладиган ҳамма жойда қилиниши мумкин. Қодирия тариқатида зикр қилинадиган жой «самохона», «тавҳидхона» дейилади. Зикр тушиладиган доирани «Майдони ажмо» ёки «Муқобала» деб аталади. Зикр учун махсус вақт тайин қилинмайди, куннинг хоҳлаган вақтида бажариш мумкин. Зикрни муршид ёки у изн берган бирон киши бошқаради. Зикр вақтида най, кадум ва шу каби мусиқа асбоблари билан оҳанг маромини бериш жоиз саналади.

Алоҳида равишдаги махфий зикр (зикри-хафий) қуйидагича бажарилади: оёқларни чордона қурган ҳолда (мурабба') гавда тик тутилади, кўзлар юмилади, бармоқлар билан «Аллоҳ» сўзи ясалган ҳолда тизза устига қўйилади, сўфий хаёлан «Фотиҳа» ва «Ихлос» сураларини ўқийди, Аллоҳнинг етти сифатидан иборат бўлган зикрни айтади. Ушбу зикр вақтида белгиланган нафас ритми сақланиши ва бошни қимирлатиш тартиби (ўнг-чап-олд-орқа)га амал қилиниши лозим [4.126].

Бу тариқатнинг Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсида фаолият юритувчи вакиллари орасида «хатми ёздаҳум» зикри ҳозирга қадар адо этиб келинади. «Хатм» сўзи луғатда «бир ишнинг охирига етиш, тугаллаш» маъносини билдиради. Масалан, «Хатми Қуръон», яъни «Қуръонни ўқиб чиқиш» маъносида. Тасаввуф илмида эса йил, ой ёки ҳафтанинг муайян кунида оят, дуо ва зикрларни адо этиб, ниҳоясига етказиш «хатм» дейилган.

«Хатми ёздаҳум» сўзи, аслида «хатми рузе ёздаҳум ёки ёздавум» бўлиб, форс-тожик тилида «11-кун хатми» деган маънони билдиради. Яъни ҳижрий-қамарий йил ҳисоби бўйича ҳар ойнинг 11-куни бу хатм, яъни зикр маросими адо этилади. Ушбу зикрнинг адо этилиши тартиби «хатми ёздаҳум» номли муаллифи номаълум қўлёзмада батафсил баён этилган. «Хатми ёздаҳум» асари 1962 йилда кўчирилган. Қўлёзма Бухоро шаҳрида номи зикр қилинишини хоҳламаган фуқаронинг шахсий кутубхонасида сақланади. Қўлёзма мажмуа асар бўлиб, тасаввуф ва тариқатларга оид бир нечта асарлардан иборат. «Хатми ёздаҳум» асари ҳам насх ва настаълиқ хатида 30 а-30 б ва 31 а-31 б саҳифаларга битилган бўлиб, тўрт саҳифадан иборат. Асар араб-форс тилида ёзилган [7.30 а-31 б].

Абдулқодир Жилонийнинг «Мактубот» китобида зикр хусусида шундай дейилади: «Зикрдан мақсад эса асло тил ҳаракати эмас, балки қалб ҳузур-ҳаловатидир. Бундаги давомли зикрдан мақсад ҳам хилват аҳлининг тилдаги доимий зикридир. Муддао эса қалбий зикрнинг бардавомлигини таъминлашдир. Тил зикрининг овоз (зикри жаҳрий) чиқарилиб қилинишида буюк таъсирлар бор. Овозли зикрдан мақсад уни Аллоҳга эмас, билъакс, кўру кар нафсга эшиттиришдир. Чунки Аллоҳ учун зикрнинг садоли ва садосиз, узоқ ва яқинлиги аҳамиятсиздир. Зеро, барча ашёда тажалли қилгувчи У (Аллоҳ)дир» [8.81-83].

Бу тариқат Жилонийнинг фарзандлари ва шогирдлари воситасида дунёнинг кўп ерларида, хусусан, Миср, Шимолий Африка, Ироқ, Яман, Сурия, Туркия, Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларида кенг тарқалган. Натижада қодирия тариқатининг ашрафия, холисия, ғарибия, румия, ҳилолия, ёфиъия, исавия, асадия, акбария каби шохобчалари вужудга келган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ғарб ва шарқ олимлари томонидан Абдулқодир Жилоний ҳаёти ва илмий фаолиятига оид кўплаб асарлар битилган. Айниқса, Марказий Осиё олимлари орасида қодирия тариқатига бағишланган қатор асарларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари юртимиз ва хориж фондларида сақланмоқда. Уларда Қодирия тариқати таълимоти асослари ва шайхлари ҳақида етарли маълумотлар мавжуд. Шу сабабли уларни илмий ва холис ўрганиш, кенг оммага етказиш тадқиқотчиларнинг муҳим вазифаларидан

бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги глобаллашув даврида ҳам яшаб келаётган қодирия тариқатини тарихий ва илмий асосда ўрганиш тариқат асосларини тўғри тушунишга ва тасаввуфий атамаларни нохолис талқин қилишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Алимова М. Тасаввуфда пир ва мурид муносабатлари // Илмий-таҳлилий ахборотнома. 1/2003. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 31-36.

2. Муъозидий, Доктор Хошиъ. Китаб мин баъд ансобил араб. 2 ж. (Араб ёзувида) – Бағдод: Дорул рошид нашриёти, 1997.–356 б.

3. Жузжоний, Абдулҳаким Шаърий. Тасаввуф ва инсон – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.

4. Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.

5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

6. Хатми ҳазрати Ғавсул Аъзам (Муаллифи номаълум). Қўлёзма – Тошкент ислом университети, Манбалар хазинаси. Қўлёзма рақами: № 209. XIX. – 1 в.

7. Хатми ёздаҳум (Муаллифи ноъмалум). Қўлёзма. – Бухоро: Шахсий кутубхона, 1962 (1382 ҳ). – 4 в.

8. Гилоний, Шайх Саййид Абдулқодир. «Сиррул асрор» ва «Мактубот». – Т.: Моваройннаҳр, 2005. – 228 б.

9 Жилоний, Шайх Абдулқодир. Китаб ал-ғунйа литолиби тариқи ал-Ҳақ фи-л-ахлоқ ва-т-тасаввуф ва-л-одоб ал-исломийя. – Байрут: Дорул кутуб ал-илмия, 1997. – 756 б.

Андижон қишлоқ хўжалик институти,
2018 йил 5 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Р.Юсупов)